

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЖИБОЕВ БОТИР РАХИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БИРЛИКЛАРИНИНГ
АССОЦИАТИВ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тажибоев Ботир Рахимжонович

Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив

тадқиқи.....3

Тажибоев Ботир Рахимжонович

Ассоциативное исследование национально-культурных единиц

узбекского языка.....27

Tajiboev Botir Rakhimjonovich

Associative research of Uzbek national-cultural units.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЖИБОЕВ БОТИР РАХИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БИРЛИКЛАРИНИНГ
АССОЦИАТИВ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil789 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ва "Ziyounet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Лутфуллаева Дурдона Эсоновна, филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маматов Абди Эшонкулович филология фанлари доктори, профессор Искандарова Шарифа Мадалиевна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети


Диссертация ҳимояси ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "23" декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44, e-mail uztafi@academy.uz)


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (40 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700170, Тошкент шаҳри Звёдилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил "7" декабрь да тарқатилди.
(2020 йил "7" декабрь даги 4 рақамли реестр баённомаси).




И.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор


Г.М.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.и.
катта илмий ходим


Д.Худойберганова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб тил бирликларини ассоциатив таҳлил методи асосида тадқиқ этишга қизиқиш кучайди. Тил бирликларини бу йўналишда тадқиқ этилиши натижасида инсон психологик тасавури ва унинг тил тизимида акс этиши масаласи бўйича қизиқарли билимларга эга бўлинди. Ассоциатив таҳлил методи тил бирликларининг инсон тафаккури, хотираси, лексик захираси каби омиллар билан боғлиқ томонларини ёритишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, ҳар бир халққа хос миллий-маданий қадриятлар ва улар ҳақидаги тасаввурларнинг тилда акс этиши муаммосини ўрганишда ассоциатив таҳлил методидан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатди.

Дунё тилшунослигида бу каби муаммолар қаторида оламнинг миллий идроки ва унинг тилда намоён бўлиши, миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив муносабати, уларнинг матн яратилиши ва идрокидаги ўрни, ассоциатив луғатларни яратиш тамойиллари каби масалалар ҳам долзарбдир. Маълумки, тил эгалари тафаккурида лисоний ва нолисоний омиллар асосида ҳосил бўладиган ассоциатив алоқалар тилда ҳам ўз ифодасини топади. Мазкур когнитив-ассоциатив жараён натижасида тилда юзага чиқувчи ассоциатив алоқа-боғланишларни ўзбек тилидаги миллий-маданий бирликлар мисолида тадқиқ этиш антропоцентриқ тилшунослик учун қимматли назарий билимлар бериши шубҳасиз.

Ўзбекистонда илм-фан соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини кўтариш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол қўлланилишини таъминлаш бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар ўзбек тилини илмий ўрганишни янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтирди. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”лиги¹ ўзбек тилшунослари ҳал қилиши лозим бўлган қатор вазифаларни белгилаб берди. Ўзбек тилидаги миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив тадқиқи амалий ечимини кутаётган мана шундай муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 258- сон.

ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрдан бошлаб дунё тилшунослигида тил бирликларининг ассоциатив алоқасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тилшуносликда тил бирликлари муносабатида кузатилувчи ассоциатив алоқа масаласи илк бор немис олими В. Хумболдт томонидан ўртага ташланган. У ҳар бир инсон онгида бири-бирига мувофиқ келувчи, аммо айнан бўлмаган фикрлар пайдо бўлиши ҳисобига ўзаро тушуниш юз беришини қайд этган эди.² Ф.де Соссюр ҳам тил бирликлари ўртасида ассоциатив муносабат кузатилишини қайд этган.³ Гарб тилшунослигида ассоциатив алоқа ҳақидаги қарашлар кейинчалик Г.Кент, А.Розанов, Ж.Диз, Ж.Миллер, Ч.Кофер томонидан ривожлантирилган.⁴

Рус тилшуносларидан Н.В.Крушевский илк бор сўзларнинг ўхшашлик ва ёндошликка кўра ассоциатив боғланишини кўрсатди.⁵ Тил бирликларининг ассоциатив муносабати А.А.Потебня, И.А.Бодуэн де Куртенэ, М.М.Покровский, Ю.Караулов ва бошқаларнинг ишларида ҳам эътироф этилиб, ривожлантирилди.⁶ Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тилшуносликда вербал ассоциацияларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишга ҳам эътибор қаратила бошланди.⁷

² Бу ҳақда қаранг: Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – Б. 11.

³ Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 155.

⁴ Kent G.H., Rosanoff A.J. A Study of Association in Insanity // American Journal of Insanity. 1910, – N 67. – P.37- 96; Miller G.A. Language and communication / N. Y., 1951. – 298 p.; Cofer Ch. N. Associative Commonality and Rated Similarity of Certain Words from Haagen’s List // Psychological Reports, 1957. V. 3. – P. 603- 606.

⁵ Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. – Казань, 1883. – С.68-69.

⁶ Крушевский Н.В. Кўрсатилган асар. – 148 б.; Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., – 1959. – 145 с.; Потебня А.А. Мысли и язык. // Сборник трудов. – М.: Лабиринт, 1999. – 330 с.; Караулов Ю.Н. Ассоциативная грамматика русского языка. Изд.2. – М.: URSS. 2010. –328 с.

⁷ Дмитриук Н.В. Национально-культурная специфика вербальных ассоциаций. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – М., 1985.

Ўзбек тилшунослигида ҳам кейинги йилларда тилдаги ассоциатив алоқаларни махсус ўрганишга қаратилган тадқиқотлар юзага келди. Хусусан, Д.Лутфуллаева ўзбек тили, Н.Ҳошимова инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида тил бирликлари муносабатида кузатиловчи ассоциатив алоқа-боғланиш муаммосини ўрганишди.⁸ Бугунги кунда гарчи бу йўналишда айрим ишлар амалга оширилган бўлса-да, тилшунослигимизда миллий-маданий семали бирликлар муносабатида кузатиловчи ассоциатив алоқа-муносабат муаммоси махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиётини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги миллий-маданий семали бирликларнинг ассоциатив боғланишини таҳлил этиш, уларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрнини белгилаш ва лингвистик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оламнинг лисоний манзарасида миллий онг ва ассоциатив тафаккур ифодасининг намоён бўлишини ёритиш;

ўзбек тилидаги миллий-маданий семали бирликларни ажратиш, таснифлаш ва уларга тавсиф бериш;

миллий-маданий бирликларда ассоциатив боғланишни ҳосил қилувчи лисоний ва нолисоний омилларни белгилаш;

миллий-маданий бирликларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрнини ёритиш;

миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив майдонига тавсиф бериш, унинг таркибий тузилмасини аниқлаш ва лингвистик таҳлил қилиш;

синалувчиларда ассоциатив тажриба ўтказиш, тажриба натижаларини лингвистик таҳлил қилиш;

“Ўзбек тили ассоциатив луғати (миллий-маданий бирликлар)” материалларини ўрганиш ва миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив боғланиши хусусиятларини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги миллий-маданий бирликлар ҳамда мазкур бирликлар таҳлилида “Ўзбек тили ассоциатив луғати” материаллари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш усуллари, ассоциатив тажриба методи ва унинг таҳлил тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

⁸ Лутфуллаева Д. Кўрсатилган асар. – 140 б.; Хошимова Н.А. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: Филол. фан. бўй. фалс. фан. докт. дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 49 б.

Ўзбек тилидаги миллий-маданий семали бирликлар орқали миллий онг ва тафаккурнинг тилда намоён бўлиши масаласи шарҳланиб, бу типдаги бирликларда халқ маданияти, урф-одати ва анъаналари акс этиши далилланган;

Ўзбек тилининг миллий-маданий семали бирликлари ажратилиб, мавзу жиҳатдан таснифланган, ассоциатив тажриба материаллари асосида бундай бирликларнинг лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган;

миллий-маданий бирликлар билан ассоциатив муносабатга киришувчи тил бирликлари аниқланган, бу бирликларнинг ассоциатив алоқасини таъминловчи лисоний ва нолисоний омиллар аниқланган;

миллий-маданий бирликларнинг матн яратилишидаги роли аниқланган, уларнинг матнни ҳосил қилувчи таянч бирликлар вазифасини бажариши далилланган;

миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив майдони ҳосил қилиниб, унинг таркиби, ядро ва чегара қисмлари аниқланган, майдон бирликларининг туртки сўз билан алоқаси ва ўзаро муносабати масаласига ойдинлик киритилган;

“Ўзбек тили ассоциатив луғати” материаллари таҳлили асосида миллий-маданий бирликлар билан ассоциатив боғланган тил бирликларининг лингвистик хусусиятлари очиб берилган, ассоциатив луғатларнинг тилнинг муайян даврдаги ҳолати, инсон лексикони, хотираси имкониятларини ўрганишдаги аҳамияти ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда чиқарилган илмий-назарий хулосалар олий ўқув юртлари филология йўналиши магистратура таълим босқичида ўқитиладиган “Лингвистика назарияси ва амалий тилшунослик”, “Лексикография асослари”, “Лингвокультурология” фанлари бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини яратишга хизмат қилиши далилланган;

миллий-маданий бирликларни ўрганишда ассоциатив тафаккурнинг ўрни амалий жиҳатдан асосланган;

ассоциатив бирликларнинг матн яратиш ва уни идрок этишдаги амалий аҳамияти далилланган;

тил ўрганишда ассоциатив тажриба методининг имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда танланган муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили орқали асосли илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги, ўзбек тилидаги миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив боғланиши масаласи тил эгаларининг миллий онги ва тафаккури билан боғлиқ ҳолда ассоциатив тажрибалар орқали ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив хусусиятларига доир мавжуд назарий қарашларни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилиши; ассоциатив тилшуносликда олиб борилаётган

тадқиқот ишларига, хусусан, тил бирликларининг ассоциатив боғланиши, матн ҳосил қилишдаги ўрни, лингвистик хусусиятларини аниқлашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек тилининг ассоциатив грамматикасини яратишда, турли типдаги ассоциатив луғатларни тузишда; олий ўқув юртлари филология йўналиши талабаларига маъруза, семинар машғулотларини бўйича ўқув машғулотларини ташкил қилишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилидаги миллий-маданий бирликларнинг деривацион хусусиятлари, матн яратишдаги ролига доир хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 22 октябрдаги 17.01/112-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

миллий-маданий бирликларнинг лексик-семантик, лексикографик хусусиятлари тўғрисидаги хулосаларидан ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-815-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тайёрланган луғат ўзбек тили миллий-маданиятига оид сўзлар билан тўлдирилган, лексикографияга оид янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

ўзбек тилида фаол қўлланишда бўлган миллий-маданий бирликларнинг семантик хусусиятлари, структураси ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясида 2019-2020 йиллар давомида “O‘zbekiston” канали орқали эфирга узатилган “Муносабат”, “Тилга эътибор” кўрсатувларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпания-сининг 2020 йил 27 февралдаги 01-35-458-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувларнинг мазмуни илмий далиллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш: 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек тили миллий-маданий бирликлари тадқиқига ассоциатив ёндашув**” деб номланган. Бобнинг “Миллий-маданий бирликларнинг лингвистик тавсифи” деб номланган бандида тил ва маданият муносабати масаласи таҳлил қилиниб, тилдаги миллий-маданий бирликларга тавсиф берилган.

Маълумки, тил маданиятнинг таркибий қисми ва ўзи мансуб бўлган мана шу маданиятни акс эттирувчи муҳим воситадир. Тилда миллий маданият тўғридан тўғри акс этмайди, балки унга инсоннинг халқ маданияти ҳақидаги тасаввур ва қарашлари, билимлари ҳам қўшилади. Бу жиҳатдан, тил бирликлари орқали воқеланган нафақат маданият, балки ташқи олам ҳам ҳеч қачон аниқ нусха бўла олмаслигини эътироф этиш лозим. Ҳатто рассом ҳам ташқи оламни ўз тасаввури ва миллий онги орқали нусхалайди. Расмда, ҳеч бўлмаганда, рассомга хос рангларни идрок этиш усули, даражаси фарқланади. Шу маънода тил нафақат маданиятнинг бир қисми ёки маданият билан алоқадор тизим сифатида, балки маданиятни инсон тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда акс эттирувчи ҳодиса сифатида ҳам ўрганилиши лозим.

Тил ва маданият муносабати масаласи мураккаб ва зиддиятлидир. Бу муаммо олимлар томонидан қандай талқин этилмасин, тилшунослик, хусусан, лингвокультурология учун маданиятнинг тилда акс этиши ва бунда инсон омилининг ўрнини аниқлаш муҳим. Проф. Н.Маҳмудов қайд этганидек, “тил ва маданият деганда, одатда, тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади...”⁹

Тил тизимида миллатнинг маданий қадриятларини акс эттирувчи, миллийлик хусусияти “бўртиб турган” бирликлар алоҳида гуруҳланади. Бундай бирликлар муайян халққа хос этник, ижтимоий-маданий қарашлар, миллий анъана-удумлар, одоб-ахлоқ, мулоқот меъёрлари кабиларни англатади. Бу каби экстралингвистик маълумотларни ўзида жамлаган тил бирликлари *миллий-маданий бирликлар* деб аталади.

Тилшуносликда миллий-маданий бирликларнинг *лингвокультурема, лингвоспецифик сўзлар, маданий-специфик лексика, маданий концепт, эквивалентсиз лексика, лакуна, реалия, экзотик лексика* каби терминлар билан ифода этилиши кузатилади. Тадқиқотда ўзбек тилшунослигида кенг қўлланилаётган *миллий-маданий бирликлар* терминидан фойданилди.

⁹ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, № 5. –Б. 10.

Маълумки, турли маданиятлар ҳеч қачон бир-бирига айнан мос келмайди. Шунга кўра миллий-маданий ҳодисаларни ифода этувчи тил бирликлари ҳам бир-бирига мувофиқ келмаслиги табиий. Миллатга хос маданий қадриятлар тил бирлигида “миллий сўз тасвиридаги маданий из” сифатида намоён бўлади.¹⁰ Миллий-маданий бирликлар тилнинг миллий ўзига хослигини намоён қилувчи бирликлардир. В.Н.Телия қайд этганидек, тил ўз маъно ва ассоциациялари билан оламнинг концептуал моделини миллий-маданий ранглар билан безайди¹¹, тилдаги миллий-маданий бирликлар эса бу рангни янада тиниқлаштириб, турли тиллар ўртасидаги миллий тафовутларни фарқлашга ёрдам беради.

Тил бирликларида миллий-маданий белги турлича акс этади. Айрим сўзларда маданий сема луғавий маъно билан ёнма-ён яшайди. Сўзнинг лексик маъноси таркибида кузатилувчи бундай маданий компонент *маънонинг миллий-маданий компоненти*¹² ёки *маданий-тарихий компонент*¹³ деб юритилади. Айрим бирликларда эса маданий компонент уларнинг кўчма маъноси орқали юзага чиқади. Масалан, иборалар воқеликни кўчма маъно орқали акс эттиргани боис уларда бевосита миллий-маданий белги акс этади. Ўзбек тилидаги *дўппи, бешик, атлас (мато), яктак, белбоғ, карнай-сурнай, ногора* лексемаларида маданий сема уларнинг луғавий маъноси билан бирга гавдаланади. Бундай лексемалар орқали бевосита ўзбек халқи, унинг миллий урф-одатларига ишора қилинади. Худди шундай, рус тилидаги *самовар*, қозоқ тилидаги *беишбармоқ* лексемаларида ҳам маданий сема бевосита англашилади. Бундай бирликлар тарихан шаклланган бўлиб, миллат маданий ҳаётида муҳим ўрин тутаяди ва бошқа тилларда кузатилмайди. Улар тилшуносликда *эквивалентсиз лексика* ёки *реалиялар* деб ҳам юритилади.¹⁴

Тил тизимида шундай лексемалар ҳам учрайдики, улар муайян нутқий қўлланишда миллий-маданий бирлик даражасига кўтарилади. Ш.Қаландаровнинг фикрича, “сўзларнинг барча ҳосила маънолари маданий хосланган миллий маънолар ҳисобланади. Лекин сўзнинг бош маъноси ҳам, агар сўзнинг бошқа тилда муқобили бўлмаса, маданий хосланган миллий маъно ҳисобланади».¹⁵ Дарҳақиқат, кўчма маъно муайян тил эгалари орқали ҳосил қилинар экан, унда кишиларнинг олам ҳақидаги тасаввурлари акс этар экан, кўчма маънонинг маданий семага эга бўлиши ҳақида фикр юритиш ўринли. Демак, тилда миллий-маданий лексемалар сифатида ажратилувчи

¹⁰ Ощепкова В.В. Учебное пособие по страноведению. – М.: Новая школа, 1995. – С. 267.

¹¹ Телия В.Н. Метафора как модель смыслопроизводства и её экспрессивно-оценочная функция // Метафора в языке и тексте. – М., 1988. – С.41.

¹² Малаховский Л. В., Микулина Л. Т. Русская культурно-коннотативная лексика в дополнении к Большому Оксфордскому словарю // Словари и лингвострановедение: Сб. ст. / Под ред. Е. М. Верещагина. – М. : Рус. яз., 1982. – С. 53.

¹³ Ощепкова В.В. Культурологические, этнографические и типологические аспекты лингвострановедения: Автореф. док. филол. наук. – М., 1995. – С. 11.

¹⁴ Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980.

¹⁵ Қаландаров Ш. Ўзбек лингвомаданий муҳитида халқ мақоллари эвфемизацияси: Филол. фан. бўй. фалс. докт. (Phd)... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 55.

бирликларнинг қуйидаги турларини фарқлаш мумкин: 1. Миллий-маданий семага эга бўлган бирликлар. 2. Муайян нутқий қўлланишда миллий-маданий белгига эга бўлувчи бирликлар.

Биринчи бобнинг иккинчи банди “Миллий-маданий бирликларни ассоциатив аспектда ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти” деб номланган. Тилшуносликда XX аср охирларидан миллий-маданий бирликлар алоҳида ажратилиб, ассоциатив йўналишда ўрганила бошланди. Бу муаммони ўрганиш рус тилшунослигида алоҳида босқичга кўтарилган. Хусусан, В.А.Рыжков байналмилал стереотипларда ассоциатив маънонинг миллий-маданий жиҳатларини аниқлаган¹⁶, Н.В.Дмитрюк вербал ассоциация-ларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганган¹⁷, Ю.Н.Караулов эса рус тили эгаларида ўтказилган ассоциатив тажриба материаллари таҳлили асосида сўзнинг ассоциатив-вербал структурасида тил эгаларининг миллий онги, менталитети¹⁸ кабиларнинг акс этишини илмий асослаган.

Дарҳақиқат, миллий-маданий бирликларни ассоциатив аспектда ўрганиш тил эгаларининг бу бирликларни қандай идрок этиши, улар ҳақидаги билимлари, маданий кадриятларга муносабати кабиларга ойдинлик киритишга ёрдам беради. М.Г.Яшинанинг фикрича, “тил эгаларининг миллий маркирланган бирликлар бўйича ассоциациялари сўзнинг маданий компонентини аниқлашнинг ҳақиқий усули ҳисобланади, бу методни миллий бирликларга нисбатан қўллаш муҳим натижалар беради, хусусан, сўзнинг имплицит ҳолда қолиб кетадиган семантик улушларини аниқлайди; у ёки бу сўзнинг ассоциацияси синалувчилар хотирасидан спонтан ҳолда юзага чиқади ва маънонинг англамаган элементларини очиб беради”.¹⁹

Миллий-маданий бирликлар тадқиқида ассоциатив тажриба методи муҳим ўрин тутди. Ассоциатив тажриба методи тил эгаларининг миллий онги ва тафаккурининг кўз илғамас жиҳатларини англашга имкон яратувчи метод ҳисобланади. М.Х.Манликова ҳам рус этномаданий бирликларининг ассоциатив луғатини яратишда ассоциатив тажриба методидан фойдаланган. У тажриба учун этнографизмлар, тарихий, диний, коннотатив ифодали бирликлар қаторида, фольклоризм, адабий символлар, Савельич, Палашка, Прошка каби асар қаҳрамонлари номларини ҳам танлаган.²⁰ Ўзбек

¹⁶Рыжков В.А. Национально-культурные аспекты ассоциативного значения интернациональных стереотипов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1983.

¹⁷Дмитрюк Н. В. Национально-культурная специфика вербальных ассоциаций: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1985.

¹⁸ Караулов Ю.Н. Национальные образы сознания в ассоциативной структуре слова. – М.:Наука, 1999. –219 с.; Шу муаллиф. Показатели национального менталитета в ассоциативно-вербальной сети // Языковое сознание и образ мира. – М., 2000. – С. 191-206.

¹⁹ Яшина М.Г. Ассоциативный метод при исследовании культурно-маркированной лексики // <http://www.nor-dipo.ru/node/263>

²⁰ Манликова М.Х. Ассоциативный словарь русской этнокультуроведческой лексики. – Фрунзе: Мектеп, 1989. – С. 16-17.

тилшунослигида ҳам ассоциатив луғат яратишда тил эгалари устида ўтказилган ассоциатив тажриба методига асосланилган.²¹

Хуллас, тилдаги миллий-маданий бирликларни ассоциатив аспектда ўрганиш орқали нафақат бундай бирликларнинг бошқа бирликлар билан ассоциатив боғланиши, балки матн ҳосил қилиши, тил эгаларининг ушбу бирликларни билиш даражаси, маданий ҳодисалар бўйича тасаввурлари, қизиқишлари ҳақида ҳам билимга эга бўлинади.

Биринчи бобнинг “Миллий-маданий ассоциациялар ҳосил бўлиши-нинг лисоний ва нолисоний омиллари” деб номланган учинчи бандида миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив гуруҳларга бирлашувида муҳим ўрин тутувчи лисоний ва нолисоний омиллар таҳлилга тортилган.

Миллий-маданий бирликлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ маданий ҳодисаларни англатгани боис ассоциатив тарзда бири бошқасини хотирада тиклай олади. Бу ҳолат уларнинг тил эгалари хотирасида ассоциатив майдонларга бирлашувидан далолат беради. Миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив гуруҳларга бирлашувида турли лисоний омиллар муҳим ўрин тутуди. Улардан айримларини қайд этамиз:

1. Миллий-маданий бирликларда умумий маданий семанинг мавжудлиги. Масалан, дўппи ва белбоғ ўзбек маданиятининг ўзига хос қадриятлари сифатида маданият кодлари саналади. Бу хусусият *дўппи* ва *белбоғ* лексемаларида умумий маданий семанинг мавжудлигини кўрсатади. Бу сема икки бирликнинг ўзаро ассоциатив боғланишини таъминлайди.

2. Миллий-маданий бирликларнинг синонимик бирликларга мансублиги. Ўзбек тилидаги *чилдирма* – *доира*, *бўсага* – *остона* миллий-маданий бирликлар жуфтлиги синонимик муносабати асосида тил эгалари хотирасида бир-бирини ёдга тушириб, ўзаро ассоциатив боғланади.

3. Миллий-маданий бирликларнинг антонимик бирликларга мансублиги. Қуйидаги бирликлар жуфтлиги антонимик муносабатда бўлиб, улардан бири айтилганда ёки эшитилганда, унинг зидди бевосита хотирада тикланади: *айвонли* – *айвонсиз (уй)*, *маҳсили* – *маҳсисиз*, *нимчали* – *нимчасиз* кабилар.

4. Миллий-маданий бирликларнинг уядош бирликларга мансублиги. *Хина* – *ўсма*, *дўмбира* – *доира*, *карнай* – *сурнай* миллий-маданий бирликлар жуфтлиги уядошлик муносабати асосида ўзаро ассоциатив боғланади.

5. Миллий-маданий бирликларнинг жинс-тур муносабатини ифодалаш. *Духоба* – *чийдухоба*, *тандир* – *ертандир*, *ўчоқ* – *ерўчоқ* ассоциатив жуфтликлари алоқасида жинс-тур муносабати кузатилади ва бошқалар.

Миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив боғланишида лисоний омилларга нисбатан нолисоний омилларнинг ўрни юқори. Уларнинг ўзаро ассоциатив алоқасида қуйидаги нолисоний омилларнинг таъсири кузатилади:

1. Миллий-маданий бирликларнинг бир халқ маданиятига мансуб маданий ҳодисаларни англатиши. Масалан, *дўппи* лексемасининг *белбоғ*,

²¹ Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «NAVOIY UNIVERSITETI» nashriyot-natbaa uyi. 2019. –334 b.

яктак каби лексемаларни ёдга тушириши уларнинг бир халқ маданиятига мансублиги билан алоқадор.

2. Миллий-маданий бирликларнинг ўзаро алоқадор маданий ҳодисаларни англатиши. Масалан, *ёр-ёр* лексемасининг *келин*, *тўй*, *янгалар* лексемалари билан ассоциатив боғланиши кўшиқнинг тўйда янгалар томонидан келинга айтилиши урф-одати билан алоқадор.

3. Миллий-маданий бирликларнинг маданий ҳодисани таркиб топтирувчи қисмларини англатиши. Масалан, *бешик* лексемасининг *сумак*, *тувак*, *бешик ёпқич*, *қўлбоғ* лексемалари билан ассоциатив боғланиши улар англатган предметнинг бешик қисмлари эканлиги билан боғлиқ ва бошқалар.

Қуйида айрим ассоциатив бирликларнинг ҳосил бўлиш омилларини изоҳлаймиз.

Атлас туртки сўзига берилган жавоб реакциялари қаторида *келинчак*, *Марғилон* лексемалари учрайди. Бу бирликлар *атлас* туртки сўзи билан нолисоний омил асосида ассоциатив муносабатга киришади.

Келинчак лексемасининг миллий-маданий бирлик сифатида шаклланиши ўзига хос. Ўзбек тилида *-чак* кўшимчаси кичрайтириш аффикси сифатида талқин этилса-да²², *келинчак* лексемаси таркибида “янги тушган” маъносини ҳосил қилади. Шу сабабли сўзлашув нутқида *янги келинчак* бирикмаси ҳам қўлланилади. *-чак* кўшимчаси мана шу маъноси билан миллий-маданий семани ҳосил қилиб, лексемани миллий-маданий бирликка айлантиради. Бу сўзнинг рус тилига *невеста* тарзида таржима қилиниши ҳам бу тилда унга муқобил сўзнинг мавжуд эмаслигини англатади.

Тил эгаларида *Марғилон* ассоциациясининг ҳосил бўлишини Марғилон шаҳри хунармандларининг ўзбек атласларини ишлаб чиқаришда ном таратганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Айрим ҳолатларда ассоциатив майдон бирликларининг кўпроқ лисоний омил асосида юзага келиши кузатилади. *Атала* лексемаси ассоциатив майдони ядроси бирликларнинг ҳосил бўлиш омиллини белгилаймиз: **АТАЛА:** *таом 68; миллий таом 19; ун 17; сув 9; бўтқа 8; ёғ 8; туғруқхона 7; мазали 6; қиймали атала 6; шакар 6; ширин 6; болалар бўтқаси 4; овқат 4; сут 4; аёллар 3; болалар 3; гўдак 3; қуюқ 3; суюқош 3; тўйимли 3; чақалоқ 3; арпа 2; атала қилиш 2; аталамоқ 2; атала-умоч 2; болалар овқати 2; бугдой 2; бўшанг одам 2; гўшт 2; касал 2; пиёздоғ 2; қиймали 2; сариёғ 2; суюқ овқат 2; туққан аёл 2; умоч 2; ёрма атала 2; ёвгон атала 2; зигир ёғ 2.²³*

Ушбу ассоциатив майдонда *атала* лексемаси билан ассоциатив боғланган қуйидаги миллий-маданий бирликларни ажратиш мумкин: *миллий таом*, *қиймали атала*, *суюқош*, *атала қилиш*, *аталамоқ*, *атала-умоч*, *бўшанг одам*, *қиймали*, *суюқ овқат*, *умоч*, *ёрма атала*, *ёвгон атала*. Булардан қуйидаги бирликлар *атала* лексемаси билан лисоний омил орқали ассоциатив

²² Шоабдурахмонов Ш., Асқарова, М. Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980. – 241 б.

²³ Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «NAVOIY UNIVERSITETI» nashriyot-natbaa uyi. 2019. – B. 49.

боғланган: 1) семантик тур-жинс муносабати асосида: *қиймали атала, атала-умоч, умоч, ёрма атала, ёвгон атала, қиймали*; 2) луғавий маъносидаги семалари асосида: *миллий таом, суюқ овқат, суюқош*; 3) кўчма маъноси асосида: *бўшанг одам*; 4) сўз ясалишида асос қисм вазифасини бажаришига кўра: *атала қилиш, аталамоқ*.

Миллий таом ассоциациясини нолисоний омил асосида ҳосил бўлган дейиш ҳам мумкин. Аталанинг ўзбек миллий таоми эканлиги ҳақидаги билим ушбу ассоциациянинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Кўринадики, *атала* лексемаси ассоциатив майдонидаги миллий-маданий бирликлар асосан лисоний омил асосида ҳосил бўлган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Миллий-маданий бирликларнинг ассоциатив майдони**” деб номланган. Ушбу бобнинг “Миллий-маданий бирликлар ассоциатив майдонининг тузилиши ва таркиби” деб аталувчи биринчи бандида ассоциатив майдонга тавсиф берилган, унинг тузилиши ва таркиби статистик таҳлиллар асосида очиб берилган.

Ассоциатив майдон “структур жиҳатдан лексикографик хусусиятга эга бўлган, моҳиятан инсон онгида акс этган муайян воқелик, унинг ҳамроҳлари образининг вербал ифодаси, у ҳақдаги тасавури, билимларини намойиш этувчи тилнинг ўзаро ассоциатив боғланган семантик ва грамматик муносабатдаги бирликлари йиғиндисидир”.²⁴

Миллий-маданий бирликлар ассоциатив майдони турли бирликлар мажмуидан ташкил топади. Унинг таркибида туртки сўзга ассоциатив боғланган миллий-маданий бирликлар билан бирга турли мавзувий гуруҳдаги бирликлар ҳам ўрин олади. Бундай ассоциатив майдонни қуйидаги усулларда ҳосил қилиш мумкин: 1. Матндан ассоциатив боғланган бирлик-ларни ажратиш ва ассоциатив майдонга бирлаштириш орқали. 2. Синалувчи-ларда миллий-маданий бирлик бўйича ассоциатив тажриба ўтказиш ва унинг материаллари асосида ассоциатив майдонни шакллантириш.

Биринчи усулда ассоциатив майдонни ҳосил қилишда матн танланади, ундан ўзаро ассоциатив боғланган бирликлар ажратилиб, умумий ассоциатив майдонга бирлаштирилади. Бундай ассоциатив майдон “матннинг ассоциатив майдони” ҳисобланади ва у муаллифнинг туртки сўзни қандай идрок этиши, у англатган нарса-ҳодиса ҳақидаги билимлари, тасавури ҳақида маълумот беришга хизмат қилади. Диссертацияда А.Қодирийнинг “Улоқда” ҳикоясидан парча олиниб, унда қўлланган ассоциатив бирликлар аниқланган.

Ассоциатив майдон якка шахс ёки кўп сонли тил эгалари устида ассоциатив тажриба ўтказиш ва олинган натижаларни умумлаштириш асосида ҳам ҳосил қилинади. Қуйида кўп сонли синалувчилар устида ўтказилган тажриба материаллари асосидаги *маҳалла* лексемаси ассоциатив майдони таркибий қисмларини текширамыз.²⁵

²⁴ Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – Б. 58.

²⁵ Ассоциатив тажриба Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Навоий давлат педагогика институти талабалари (жами 100 та талаба) устида ўтказилди.

Маҳалла лексемаси бўйича ўтказилган ассоциатив тажрибада жами 598 та жавоб реакцияси олинган. Ассоциатив майдон қуйидаги таркибдан ташкил топган: жами жавоб реакциялари 598 та, турли жавоб реакциялари 376 та, такрор келган жавоб реакциялари 46 та, якка қўлланган жавоб реакциялари 330 та, жавоб берилмаган ҳолатлар 5 та.

Маҳалла лексемаси ассоциатив майдонининг юқори частотали бирликлари қуйидагилар: *кўча 26; маҳалла раиси 26; уй 18; хонадон 18; оқсоқол 16; оила 15; жамоа 12; қишлоқ 10; гузар 8; меҳр-оқибат 8; қўшни 8; Ватан 8; маҳалла биноти 7; раис 6; дўстлар 5; идора 4; котиба 4; маълумотнома 4; боболар 3; фаоллар 3; фахрийлар 3; ҳашар 3; уюшма 3; маҳалла оқсоқоли 3; маҳалла посбони 3; посбон 3; ўзбек 3; бирдамлик 2; фуқаролар йиғини 2; фуқораларнинг ўз-ўзини бошқариши органи 2; жамоат ишлари 2; маҳалла чойхонаси 2; маҳалла фаоллари 2; маҳалла гузари 2; маҳалла кенгаши 2; маҳалла қўмитаси 2; маслаҳатчи 2; “Обод маҳалла йили” 2; ободонлаштириши 2; оилалар 2; қариялар 2; қозғозбозлик 2; халқ 2; хонадонлар 2; йиғилиши 2; ўзини-ўзи бошқариши органи 2.*

Ассоциатив майдондан ўрин олган юқори частотали бу бирликлар ҳамда якка тартибдаги 330 та жавоб реакцияси тил эгаларининг *маҳалла* туртки сўзи бўйича эгаллаган билимларини акс эттиради. Қуйидаги якка тартибдаги бирликлар ассоциатив майдоннинг яқин чегарасида жойлашади: “*Абдураҳмон Оқбўтаев*” маҳалласи, *аҳил оилалар, аҳил яшаш, арабча “яшаш жойи”, “Бир болага етти маҳалла – ота-она”, домком, маҳалла идораси, маҳалла котибаси, маҳалла масжиди, маҳалла маслаҳатчиси, маҳалла қозони, “Маҳалла” телеканал, “Маҳаллада дув-дув гап*” ва бошқалар.

Қуйидаги жавоб реакциялари ассоциатив майдоннинг чекка қисмидан ўрин олади: *билим, болалар, дарахт, дарахтзор, дўкон, дорихона, гап, макон, масъулият, машина қатнови, мусобақа, нон иси, оқланган дарахтлар, қишлоқдагилар, совчилар, йўл, ёғ, ёруғ хона, ёш болалар, чанг* ва бошқалар.

Ассоциатив майдондан сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклидаги жавоб реакциялари ўрин олган. 598 та жавоб реакциясидан 346 таси лексема шаклида, 218 таси сўз бирикмаси, 34 таси гап шаклида. Гап шаклидаги айрим бирликлар халқ ҳикматларини англатади. Масалан, “*Бир болага етти маҳалла – ота-она*”, “*Бир фарзандга етти маҳалла ота-онадир*” кабилар.

Ассоциатив майдоннинг барча бирликлари *маҳалла* туртки сўзи билан мантиқан ва семантик жиҳатдан боғланган. Ассоциатив майдонда *маҳалла* билан алоқаси бўлмаган ҳодисаларни англатувчи бирликлар учрамади. Бу ҳолат ўзбек тили эгалари ҳаётида *маҳалланинг* муҳим ўрин эгаллашини далиллайди. Характерли жиҳати шундаки, синалувчилар *маҳалланинг* қандай ташкилот эканлиги, унинг структураси, *маҳалла* фаолияти, ўз *маҳалласининг* номи каби энг муҳим маълумотларни яхши билишади.

Бобнинг иккинчи банди “Ассоциатив майдонда ядро ва чегара қисм бирликлари нисбати” деб номланган. Ассоциатив майдонда ядро ва чегара қисмларда жойлашган бирликлар фарқланади. Майдоннинг ядро қисмида юқори частотали жавоб реакциялари жойлашади. Бундай бирликлар нутқ

(матн)да энг кўп ассоциатив боғланишларни ҳосил қилади. Куйида “Ўзбек тили ассоциатив луғати”дан ўрин олган *рўмол* лексемаси ассоциатив майдони ядро ва чегара қисмлари бирликларига тавсиф берамиз.

Рўмол лексемаси ассоциатив майдони ядро қисмидан куйидаги бирликлар ўрин олган: *бош кийим 44; она 26; аёл 23; келин 14; бош 6; мато 5; миллийлик 5; қиз 5; соч 5; аза 4; буви 4; шарф 4; азадор 3; гўзаллик 3; жаноза 3; намоз 3; бозор 2; бувижонлар 2; дурра 2; дўппи 2; гажим 2; ҳарир 2; ҳаё 2; ҳижоб 2; ҳожси она 2; кампир 2; келинчак 2; миллий бош кийим 2; қишки 2; тош 2; тўртбурчак 2; учбурчак 2; ўзбек аёли 2; шойи 2.*²⁶

Ушбу бирликлар майдондаги умумий бирликларнинг 44 фоизини ташкил қилади. Майдон ядроси марказида *бош кийим* бирикмаси ўрин олган, у синалувчиларнинг 44 тасида такрорланган.

Ассоциатив майдон ядросининг юқори частотали яна бир бирлиги *она* лексемаси бўлиб, 26 та синалувчида такрор қайд этилган. Тил эгаларининг хотирасида *рўмол* туртки сўзига нисбатан *она* лексемасининг тикланиши бежиз эмас. Ўзбек оналарининг миллий бош кийими ҳисобланган *рўмол*да юришлари уларнинг кўрки бўлиш билан бирга, гўзал урф-одатларимиздан бири ҳисобланади. Шу боис тил эгаларининг лисоний хотирасида *рўмол* сўзига нисбатан *она* лексемасининг тикланиши кузатилади.

Ассоциатив майдон ядросидан ўрин олган *аёл* лексемаси 23 та синалувчида такрорланган. *Рўмол* сўзига нисбатан тил эгалари хотирасида *аёл* лексемасининг тикланиши ўзбек аёлларининг *рўмол* ўраши урф-одати билан боғлиқ. Шунингдек, 14 та синалувчида *келин* жавоб реакциясининг такрорланиши ҳам миллий урф-одатимиз билан алоқадор. Маълумки, янги турмуш қурган келинларнинг ранг-баранг *рўмол*ларни алмаштириб ўраши уларнинг келинлик зийнати ҳисобланади. Бу урф тил эгалари хотирасида *рўмол* сўзига нисбатан *келин* лексемасининг тикланишига туртки беради.

Ассоциатив майдон ядросидан ўрин олган юқори частотали *қиз, буви, бувижонлар, ҳожси она, кампир, келинчак, ўзбек аёли* ассоциатив бирликлари ҳам хотин-қизларнинг *рўмол* ўраши одати билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Тил эгалари томонидан *азадор, жаноза* бирликларининг қайд этилиши эса диний урф-одатлар билан алоқадор. Маълумки, ўзбек аёллари, ким бўлишидан қатъий назар, жанозага ёки азалик уйга *рўмол*сиз киришмайди. Бу ҳолат тил эгалари хотирасида *рўмол* сўзига нисбатан *азадор, жаноза* лексемаларининг тикланишига туртки берган. *Рўмол* сўзига берилган *намоз* жавоб реакцияси эса диний амал билан боғлиқ ҳолда юзага келган. *Ҳарир, қишки, тўртбурчак, учбурчак, шойи* жавоб реакциялари эса *рўмол*нинг шакли, қандай матодан эканлиги каби белгилари билан боғлиқ ҳолда шаклланган.


Рўмол сўзига нисбатан тил эгалари томонидан *тош* жавоб реакциясининг қайд этилишида ўзига хос жиҳат кўзга ташланади. Маълумки, Навоий вилояти Нурота тумани чекка худудларида яшовчи қипчоқ аёллари

²⁶ Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «NAVOIY UNIVERSITETI» nashriyot-natbaa uyi. 2019. – B.223.

кадимда рўмолнинг *тош рўмол* деган турини ўрашган. Рўмол катта, бир рангли, гули ўзидан чиққан, попукли бўлган. Бу рўмол ўз даврининг энг қиммат рўмоли саналган. Рўмол ғижимланмаган, бошда қаттиқ, текис бўлиб турган, шунинг учун уни *тош рўмол* деб аташган. *Рўмол* сўзига тил эгалари томонидан *тош* жавоб реакциясининг берилиши мана шу рўмол тури билан боғлиқ. Умуман, ассоциатив майдон ядросидан ўрин олган барча бирликлар *рўмол* туртки сўзи билан бевосита алоқадор.

Рўмол лексемаси ассоциатив майдони ядро қисмидан ўрин олган ушбу бирликларни мавзу жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1. Шахсларни билдирувчи бирликлар: *она, аёл, келин, қиз, буви, бувижонлар, ҳожи она, кампир, келинчак*. 2. Кийим-кечак ва унга алоқадор бирликлар: *бош кийим, шарф, дурра, дўпчи, гажим, ҳижоб, миллий бош кийим*. 3. Диний тушунчаларни билдирувчи бирликлар: *аза, азадор, жаноза, намоз*. 4. Матони билдирувчи бирликлар: *мато, шойи*. 5. Тана аъзоси ва унга алоқадор бирликлар: *бош, соч*. 6. Геометрик фигураларни билдирувчи бирликлар: *тўртбурчак, учбурчак*. 7. Белги билдирувчи бирликлар: *ҳарир, қишки*. 8. Тоғ жинсини билдирувчи бирлик: *тош*. 9. Гўзаллик тушунчасини англатувчи бирлик: *гўзаллик*. 10. Миллийлик тушунчасини англатувчи бирлик *миллийлик*. 10. Ножўя ҳатти-ҳаракатдан тийилиш ҳиссини билдирувчи бирлик: *ҳаё*. 11. Савдо-сотик билан шуғулланиладиган махсус жойни билдирувчи бирлик: *бозор*.

Рўмол лексемаси ассоциатив майдони ядросидан ўрин олган бу мавзувий гуруҳларнинг статистик таҳлилини диаграммада қуйидагича тасвирлаймиз:



Диссертацияда *рўмол* лексемаси ассоциатив майдони чегара қисмларидан ўрин олган бирликлар ҳам ўрганилган.

Бобнинг учинчи банди “Ассоциатив майдон бирликларининг лингвистик хусусиятлари” деб номланган. Ассоциатив майдонда туртки сўз вазифасини бажарган ҳар бир миллий-маданий бирликнинг семантик структураси, деривацион, услубий, прагматик хусусиятлари очиб берилади, синтактик алоқалари акс этади. Шунингдек, изоҳли луғатларда акс этмаган ассоциатив маъноси, маданий семаси, шеваларга хос маъно қирралари ўз ифодасини топади. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *палов* лексемасининг

миллий-маданий семаси қайд этилмаган. Бу сема ассоциатив майдонда қуйидаги бирликлар орқали воқеланган: *миллий таом, миллий овқат, миллийлик, миллийлик ифодаси, ўзбек миллий таоми*. Умуман, ассоциатив майдонда сўзнинг инсон тасаввурлари билан боғлиқ маънолари акс этади. М.Патсис таъбири билан айтганда, “ассоциатив тажриба сўзнинг фаол психологик маъносини қайд этади, сўзнинг реал семантикасининг луғатларда берилган маъносидан фарқини аниқ кўрсатиб беради, луғат мақолалари доирасидан четга чикувчи ассоциациялашув кўламини очиб беради ҳамда “жонли” сўзнинг психик борлигини намоиш қилади”.²⁷

Ассоциатив майдон таҳлили миллий-маданий бирликларнинг нафақат лингвистик хусусиятларини очиб беришда, балки тил эгаларининг бу бирликлар билан алоқадор билимларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйида *палов* туртки сўзи ассоциатив майдонидан ўрин олган бирликларнинг лингвистик хусусиятларини таҳлил қиламиз:

ПАЛОВ: *ош 91; таом 57; гуруч 38; пайшанба 9; сабзи 8; овқат 7; оила 5; девзира 4; зигир ёғ 4; чойхона 4; аччиқ-чучук 3; дада 3; гўшт 3; лазер 3; меҳмон 3; она 3; йигин 3; ўзбек 3; ўчоқ 3; аланга гуручи 2; Андижон 2; байрам 2; думба 2; иссиқлик 2; картошка палов 2; ланж 2; маслаҳатоши 2; маърака 2; миллий таом 2; наҳор оши 2; ота 2; ошпаз 2; пиёз 2; қозон 2; тўй 2; Хоразм гуручи 2; якшанба 2; зигир мойи 2; зира 2; Абу Али ибн Сино, андижонча ош, андижонча, арвоҳ, арвоҳ оши, авангард гуручи, аза маъракаси, аланга, аччиқ-чучук салати, байрамлар, базм, бедана тухуми, беҳи ва бошқалар 1; (535+280+39+241+0)²⁸*

I. Палов лексемасининг лексик-семантик хусусиятлари: луғавий маъноси, семик таркиби. Маълумки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *палов* сўзига қуйидагича изоҳ берилган: **ПАЛОВ** [ф.] Асосий масаллиғи гуруч, ёғ, гўшт ва сабзидан иборат, қовуриб, қайнатиб ва дамлаб тайёрланадиган қуюқ овқат; ош.²⁹ *Палов* лексемасининг бу маъноси ассоциатив майдонда қуйидаги бирликлар орқали воқеланган: *ош, “Гуручдан тайёрланади”, гуруч аралаштирилган ёғли таом, ошпалов*.

Ассоциатив майдонда *палов* лексемаси луғавий маъноси семалари қуйидаги бирликлар орқали воқеланган: *гуруч, сабзи, овқат, девзира, зигир ёғ, гўшт, аланга гуручи, миллий таом, Хоразм гуручи, зигир мойи, авангард гуручи, аланга, дамлаш, девзира гуручи, илик ёғи, лазер гуруч, миллий овқат, мой, ош дамлаш, ўсимлик мойи, палов дамлаш, пахта ёғи, қовуриш* кабилар.

Ассоциатив майдонда *палов* лексемаси қуйидаги бирликлар билан парадигматик муносабатга киришади: 1) **синонимик муносабат: ПАЛОВ:**

²⁷ Патсис М. Ассоциативное поле как инструмент анализа значения слова (на материале греческого языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – М. 2005. – 167 с. // <http://www.dslib.net/jazykoznanie/associativnoe-pole-kak-instrument-analiza-znachenija-slova-na-materiale-grecheskogo.html>

²⁸ Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «NAVOIY UNIVERSITETI» nashriyot-natbaa uyi. 2019. – Б. 206. Изоҳ. Бу ўринда ассоциатив майдон бириклари қисқартириб берилди.

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2007. – Б. 210.

ош, ошпалов, паловтўра, паловхонтўра; 2) **уядошлик муносабати**: а) паловнинг қандай усулда ёки масаллиқ билан пиширилишига кўра турини билдирувчи бирликлар уяси: *картошка палов, девзира палов, ивита палов, карт думба палов, коватокли палов, майиз солинган ош, нон палов, ола палов, оқшом палов*, кабилар; б) маросимларда пишириладиган палов турини билдирувчи бирликлар уяси: *наҳор оши, йил оши, юбилей оши, маърака оши, падароши, софи ош, тўй оши*; в) турли жойларда пишириладиган палов турини билдирувчи бирликлар уяси: *андижонча ош, бухороча ош, самарқандча ош, Наманган оши, Жиззах оши, чойхона оши, Чуст оши*; 3) **тур-жинс муносабати**: **ПАЛОВ**: *таом, овқат, қуюқ овқат, тансиқ таом*; 4) **бутун – бўлак муносабати**: **ПАЛОВ**: *гуруч, сабзи, девзира, зигир ёғ, гўшт, лазер, аланга гуручи, думба, пиёз, зигир мойи, зира, авангард гуручи, аланга, беҳи, девзира гуручи, думба ёғи, илик ёғи, лазер гуруч, майиз кабилар*.

II. Ассоциатив майдон бирликларининг грамматик-структур белгилари. *Палов* лексемаси ассоциатив майдонида *туртки сўз + ассоциатив бирлик* муносабатида қуйидаги алоқа турлари кузатилади: а) бошқарув усули. Бу усул *палов туртки сўзи* билан ассоциатив боғланган *дамлаш* жавоб реакциясининг ўзаро синтагматик муносабатида кузатилади. Яъни: *паловни дамлаш*; б) мослашув усули. *Палов туртки сўзи + таом, овқат, иссиқлик, ланж, миллий таом, энг яхши таом* жавоб реакциялари синтагматик муносабати асосида мослашув усулига асосланган “*Палов – таом*”, “*Палов – овқат*” “*Палов ланж*”, “*Палов – миллий таом*”, “*Палов – энг яхши таом*” предикатив бирликлари юзага келади. *Палов* лексемаси билан битишув муносабатида боғланувчи биронта бирлик кузатилмади.

